

Саудия Арабистонига уч дақиқада қандай виза олиш мумкин?



10:24 / 02.02.2023 3946

Саудия Арабистони расмийлари Саудия миллий авиакомпанияси йўловчиларига чипта билан бирга 96 соатлик туристик виза олиш имконини берувчи янги дастур бошланганини эълон қилди. Бу ҳақда RATA news хабар берди.

Бу зиёратчиларга қиролликнинг диққатга сазовор жойларини саёҳат қилиш, шунингдек, Умра зиёратини амалга ошириш имконини беради, дея хабар беради Arabian Business. Виза учун ариза бериш атиги уч дақиқа давом этади.

Ушбу дастур «Сизнинг чиптангиз виза» деб номланади. Расмийлар 2023 йилда Саудия Арабистонига халқаро рейсларга талаб 40 фоизга ошишини кутмоқда.

Хуршид Маъруф